

Сенеканинг ўзи ҳам. У донишмандона ўғит, панд-насиҳат қилади: “Биллур қандиллар саройингни безатиши мумкин, лекин дилингни безатолмайди, сен дилингни гўзал, олижаноб, бебаҳо қиладиган нарсалар ҳақида қайғур. Уйинга келган биллур қандилларингдан эмас, гўзал дилингнидан хайратлансин.”

Биламан, ҳозирги ҳаёт, бозор иқтисодиёти бу ўғитни назарга олмайди, уни консерватив қараш сифатида рад этади. Аммо масалага азалият нуқтаи назаридан қарасак, файласуф ҳақ. Минг карра ҳақ. Қалби, дили, ўйи ва ниятлари гўзал, олижаноб инсон сиздан ҳеч нима тиламайди, балки сиз унга талпинасиз, унинг ёнида бўлгингиз келади, ундан тинмай ўргангингиз келади. Ёшларга шундай идеал инсонлар керак, аммо биз, минг ваҳки, ибратли шахс бўлишга интилмаимиз. Турмуш ташвишлари, юқоридаги югур-югурлар бизнинг дилимиздан гўзал бўлишни ҳам, азалиятни ҳам қувган. Мана, давр фожиаси!

“Ўзингга аъмони эмас, аълони яқинла”. Аъмодан аъмолик юқади. Халқ мақоли бор: “Отнинг ёнига эшакни боғласанг, ранги бўлмасанда, хусусияти юқади”. Кимни аъло куришни истасангиз, уни аъло яқин тутинг. Аъло ким? Ўқиган, билган, яратадиган – аъло. Мен учун эса қалби пок, очик, ҳаётсевар ва инсонсевар – аъло! Ҳаёт бизга борликни, тирикликни ардоқлаб яшаш

хислатини ато этган. Бу хислатсиз инсондаги ҳеч нима ардоқли эмас. Файласуф ёзади: “Гўзал қалбдан бошқаси ҳайратга, тасаннога лойиқ эмас”. Мана, ҳаётсеварлик ва инсонсеварлик негизи!

Сенека инсондаги ҳурликни эъозлайди. Руҳи ҳур, ҳатто зиндонда ҳам ҳур, руҳи банди – мудом банди. Фалсафа ҳурлик илми, уни севмай ҳурликни севиб бўлмайди. Ким файласуф бўлишни истаса, у ҳурликни севсин. Ҳурлик эса зиндонга етаклаши, бошга маломатлар, ҳатто тиғ келтириши мумкин. Мансур Халлож “анал ҳақ”, яъни “мен ҳақман” деган эътиқоди учун тўққиз йил зиндонда ётган, кейин вужуди парчаланиб, дорга илинган. Ҳурликни ҳимоя қилиш, унга етиш ҳеч қачон, ҳеч ерда осон бўлмаган. “Ўзини бахтиёр сезмаган – бахтиёр эмас.” Бахтиёр бўлиш учун сев. Инсонни сев. “Севилишни истасанг – сев”. Инсондаги энг олийжаноб хислат севиш. Севиб яшаш, севилиш. Мазкур хислат одамни ҳайвонот олаmidан ажратган, уни Аристотель айтганидек, “Ижтимоий мавжудотга айлантирган. Кимлигинг билмоқчимисан, севиб кўр.” Пул – оддий қоғоз, тилла – оддий темир, фақат меҳр, севги, инсон – муътабар! Инсон ушбу туйғуси билан илоҳсифат!

Хуллас, ҳаёт фалсафаси жо этилган “Луцилийга одоб мактублари” асари билан Сенека мени фикрлашга, яшашга ўргатиб келади.

“INFOLIB UZBEKISTAN – 2019”



Асқар ҒОЗИЕВ,
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
Йиғма электрон каталог маркази
директори



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жорий йилнинг 28 октябрь – 1 ноябрь кунлари анъанавий “INFOLIB UZBEKISTAN – 2019” VIII Миллий Ахборот-кутубхона ҳафталиги ўтказилди. Ҳафталик давомида 40 га яқин тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатлари, танловлар, тренинглари, тақдимотлар, маҳорат

дарслари ташкил этилди. Ҳафталик доирасида кутубхонага 8701 нафар фойдаланувчи ва меҳмонлар ташриф буюрди.

Ҳафталикнинг илк кунида “Кутубхоначилик соҳасидаги ислоҳотлар – янги давр кутубхоналари” мавзусидаги “Бетгерхонлик – 2019” давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва

идоралар тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасаларининг 200 га яқин мутахассислари иштирок этдилар.

Россиялик халқаро эксперт, профессор Н.И. - Гендина томонидан уюштирилган “Мақтаб ўқувчиларининг ахборот маданияти” мавзудаги тренинг бутун ҳафта мобайнида давом этиб, унда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари иштирок этди.



“Китобхон она – китобхон бола” клуби аъзоларининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи асосида овозли ўқиш ва асар муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

“Бир актёр театри” рукни остида истеъдодли актриса Дилноза Кубаева билан “Сирнинг сири самимиятда” мавзуда бўлиб ўтган ижодий учрашув эса чинакам самимияти ва маъно-мазмун билан узоқ вақт санъат ихлосмандларининг ёдидан чиқмайдиган таассурот қолдирди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялари агентлигининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфидаги ҳудудий ахборот-кутубхона марказлари раҳбар ва методист мутахассислари ўртасида бўлиб ўтган “Ахборот-кутубхона таҳлили” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

1-ўринни Фарғона вилояти ахборот-кутубхона маркази,

2-ўринни Андижон вилояти ахборот-кутубхона,

3-ўринни Навоий вилояти ахборот-кутубхона маркази эгалладилар. Ғолибларнинг сертификатларига АКМ фондини янги адабиётлар билан тўлдириш учун тегиши равишда 60 млн, 40 млн. ва 30 млн сўмлик чеклар илова қилинди.

29-30 октябрь кунлари Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Ахборот-кутубхона муассасасининг

энг яхши мутахассиси 2019” республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. (Бу тўғрисида журналнинг ушбу сонидagi «CREATIVE» жамоаси ғолиб» мақоласини ўқинг таҳририят).

“Ахборот-кутубхона марказлари нодир фондларини сақлаш ва таъмирлаш: муаммо ва ечимлар” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Семинарда Ахборот-кутубхона ресурсларини нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларига киритиш, уларни ҳисобга олиш, тавсифлаш ва сақлаш бўйича методик тавсиялар бериш, нодир фонд сақланадиган бинога қўйиладиган талаблар, консервация ва реставрация учун масъул бўлган ходимларида реставрация ҳақида илмий асосланган тушунчаларни шакллантириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тарихий ёдгорликларга зарар етказиши мумкин бўлган амалиётларнинг олдини олиш каби масалалар муҳокама этилди.

30 октябрь куни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети, “E-LINE PRESS” МЧЖ ҳамкорлигида ташкил этилган “Илмий маълумотлардан фойдаланиш ва нашр этириш фаоллиги” IV Миллий илмий-таълимий форуми самарадорлиги ва тадқиқотчиларга амалий ёрдам бериши билан ажралиб турди. Форум иштирокчилари етакчи жаҳон нашриётлари ва агрегаторларининг электрон илмий-таълим ресурсларидан фойдаланиш ва юқори рейтингли журналларда илмий мақолаларни нашр этиш имкониятлари, шунингдек диссертация ишларини юқори даражада тайёрлаш бўйича қўшимча маълумотларга эга бўладилар. Ахборот-кутубхона муассасаларининг ходимлари электрон ресурсларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг бошқаруви, наукометрик воситалар ва улардан фойдаланишда кутубхоналарнинг роли, шунингдек фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ўқитишни ташкил этиш, илмий- таълим муассасаларда ахборот-кутубхона хизматининг янги воситалари ва усуллари ривожлантириш ҳақида билиб олдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур билан “Таржима ва тавсиф ифтихори” мавзусида давра-суҳбати ўтказилди. Шайх ҳазратлари ислом дини илмлари ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, улар томонидан асос солинган илмий фаолиятни қайта тиклаш ва ривожлантириш борасидаги ишларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Ислom цивилизацияси марказида ҳам фаолият олиб борадилар. Шайх

Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган “Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири” қайта-қайта нашр қилинди. Устоз “Саҳиҳи Бухорий”ни таржима ва шарҳ қилиб, икки жилдда нашр эттирган. Республикамизнинг етук маданият ва жамоат арбоблари иштирокида ўтказилган мазкур ижодий мулоқот қатнашувчиларда катта таассурот қолдирди.

“Ёш китобхон” республика кўрик танлови ғолиблари Шоҳсанам Холбоева ва Салоҳиддин Қаҳҳоровлар томонидан “Китоб ўқиш ҳам меҳнат” мавзuida ёш китобхонлар билан маърифий учрашув мутолаа маданиятини эгаллашга бел боғлаган ёшлар учун чинакам маҳорат дарси бўлди, десак муболаға эмас.

Ҳафталик яқунланадиган 1 ноябрь куни ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича “Мутолаа маданияти ва маънавий камолот” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатини Ангрен шаҳри 42219- сон ҳарбий қисм аскарлари учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Адабий тарғибот бўлимининг бошлиғи, шоира Фароғат Худойқулова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шоира Салимова ҳамда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Даврон Ражаб олиб бордилар.

Фарзандларимизнинг юқори билим ва тафаккур эгаси бўлиб вояга етишида уларни китоб билан ошно этиш, китоб билан дўстлаштиришни оиладан, мактабгача таълим муассасидан бошлаб то улгаунларича муттасил ва мунтазам давом эттириш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилди.

“Китобсеварлар клуби” аъзолари иштирокида «Биринчи китобим» лойиҳаси доирасида ёш ёзувчи Жавлон Жовлиевнинг “Икки қалб учрашуви” номли китоби тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Ҳафталикнинг яқунловчи куни “JuniorUni немис онлайн-университети – Гёте-институтининг робототехника ва астронавтика, технология, фан ва энергетика соҳаларидаги таълим лойиҳаси” ҳақида семинар ўтказилди. Гёте-институтининг ўсмирлар учун бепул таълим лойиҳаси ҳисобланган мазкур лойиҳадан ўзбек, немис ва рус тилларида фойдаланиш имкони мавжуд. Лойиҳа робото-техника ва астронавтика, технология, фан ва энергетика ва барқарор ривожланиш соҳаларининг энг қизиқарли саволларига жавоб топишга ёрдам беради, параллел равишда немис тилини ҳам ўргатади. Ҳар бир ўспирин JuniorUniда уйдан чиқмай туриб мустақил билим олиши мумкин. Тадбирда лойиҳанинг ўзи билан бирга барча хоҳловчилар ва синф ёки синфдан

ташқарида JuniorUni билан бирга ишлашни истаган ўқитувчилар учун дидактик материаллар намоиш этилди.



Ўзбекистон халқ шоири Ҳамид Олимжон таваллудининг 110 йиллигига бағишланган “Мафтункор шеърият куйчиси” деб номланган бадиий-адабий кеча Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатория-курортлар бошқармасига қарашли “Ботаника санаторийси” МЧЖ ходимларининг фарзандлари, Қибрай туманидаги 3-умумтаълим мактабининг истеъдодли ўқувчилари ва “Ўзбеккино” Миллий агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Тадбир давомида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюрмасига биноан суратга олинаётган яна бир тарихий фильм, ўзбек адабиётининг икки йирик дарғалари – Ҳамид Олимжон ва Зулфия-хонимнинг меҳр-муҳаббат, садоқат, вафога йўғрилган ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ҳикоя қилинадиган, тарихий воқеаларга асосланган “Муҳаббат баҳори” фильмининг ижодкорлари иштирок этишди. Тадбир якунида иштирокчилар ва фильм ижодкорлари ўртасида қизгин суҳбат олиб борилди.

Ҳафта мобайнида қизиқувчилар учун кутубхона буйлаб таништирув экскурсиялари ўтказилди. Экскурсия давомида кутубхона тарихи, фаолияти, ресурслари ва улардан фойдаланиш, шунингдек, электрон каталоглар, илмий маълумотлар базаси, инфокиоск хизматлари имкониятлари тўғрисида маълумотлар берилди.

